



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Шорахимов Хусан Муроджон ўғли*

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси*

*2-курс тингловчиси*

**Калит сўзлар:** *давлат дастурлари, инфратузилма лойиҳаси, ижтимоий соҳа объектлари, инфратузилма объектлари, тоифаланган ва алоҳида турдаги объектлар, прокурор назорати*

**Кириш:** Давлат дастурлари асосида қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланишида муҳим омилларидан бўлган ижтимоий ва инфратузилма соҳасидаги объектлар – йўл, ичимлик суви, сув хўжалиги тармоқлари, талим-тарбия ва илм-фан объектлари барпо этилишига ҳамда шу орқали мамлакат аҳолисининг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган шарт-шароитлар учун имконият яратади.

Бу, бевосита, мамлакат аҳолисининг кайфиятига таъсир этувчи хусусият эга бўлиб, ушбу соҳадаги ислохотлар ва амалий чора-тадбирлар давлатда халқ манфаатларини ўйлаб амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва ўзгаришларни акс эттиради.

**Давлат дастурлари** – бу давлатда қабул қилинадиган қонунчилик ҳужжатларига асосан давлат номидан иш олиб бориш ваколатига эга бўлган сиёсий институтлар томонидан мақуланган (тасдиқланган) дастур доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади.

Давлат дастурлари давлатдаги ривожлантириш концепцияси (стратегияси)да назарда тутилган мақсадларга эришиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирларни кетма-кетлигини назарда тутади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 206-сон [қарорига](#) 1-илова билан тасдиқланган Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда давлатдаги ривожлантириш концепцияси (стратегияси) тушунчасига тариф берилган.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган ҳамда тармоқ ва (ёки) ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берадиган ва уларни босқичма-босқич ривожлантириш режасини ўзида акс эттирадиган ҳужжат давлатдаги ривожлантириш концепцияси (стратегияси) ҳисобланади.

Давлат дастурлари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланиб, давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради ва капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Юқоридаги Низомда давлат дастурларидаги қурилиш лойиҳаларига “инфратузилма лойиҳалари” сифатида ҳуқуқий таъриф берилган.

Бунда, **инфратузилма лойиҳаси** – паст рентабелли ёки рентабелсиз ижтимоий, йўл-транспорт, сув хўжалиги, муҳандислик-коммуникация объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган лойиҳа ҳисобланади.

Давлат дастурларига киритиладиган қурилиш лойиҳалари давлатнинг ўрта ва узоқ истикболдаги ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб танланади ва лойиҳалар портфели кўринишида шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати томонидан норматив-ҳуқуқий жиҳатдан умуммажбурий тусга эга бўлган шаклда қабул қилинадиган ҳужжат асосида амалга оширилади.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳаларига **“давлатни ривожлантириш концепцияси (стратегияси)да назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун давлат ташкилотлари буюртмачилиги асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш объектлари”** деб таъриф беришимиз мумкин.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, давлат дастурларидаги қурилиш лойиҳалари қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

- 1) **давлат бюджети) ҳисобидан (капитал қўйилмалар тарзида молиялаштирилади;**
- 2) **давлат ташкилотлари буюртмачилиги асосида амалга оширилади;**
- 3) **аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва ривожлантириш тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.**

Бундан ташқари, давлат дастурларидаги қурилиш лойиҳаларини ўз мақсадига кўра ҳам қуйидагича турларга бўлим мумкин деб ҳисоблаймиз:

- 1) **ижтимоий соҳа объектлари** – асосий мақсади аҳолига ижтмоий, маънавий ва маърифий хизмат кўрсатишдан иборат бўлган объектлар.

Шаҳарсозлик қоидаларида бу турдаги биноларни **жамоат бинолари** дейилади.

Жамоат бинолари инсонларни ишлаб чиқаришдан ташқари меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун мўлжалланган бинолардир.

Жамоат биноларига ясли-боғча, мактаб, коллеж-лицей, техникум, институт-университет, академия, поликлиника, клиника, касалхона, санатория ва дам олиш уйи, умумий овқатланиш ва савдо шаҳобчаси, клуб, театр, кинотеатр, цирк, вокзал, бозор, спорт мажмуаси, коммунал хизматлар кўрсатиш уйи ва бошқалар киради.

Уларнинг 200 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, “2.08.02-09-шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. Жамоат бино ва иншоотлар”да ўрнатилган талаблар асосида лойиҳаланади.



**2) инфратузилма объектлари** – ўзаро коммуникация алоқаларини амалга ошириш ва муҳандислик тармоқларини ишлашини таъминловчи объектлар.

Ушбу турдаги объектларга автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова суви, электр, табиий газ тармоқлари кабилар киради.

Бундай объектлар сирасига кирувчи темир йўллар “2.05.01-19-қурилиш меъёрлари ва қоидалари. Темир йўл излари 1520мм. Лойиҳалаш меъёрлари”га асосан, автомобиль йўллари “2.05.02-07-шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари. “Автомобиль йўллари”га асосан, кўприклар ва қувурлар “2.05.03-22-шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари. “Кўприклар ва қувурлар”га асосан, метрополитенлар “2.05.04-97-қурилиш меъёрлари ва қоидалари. “Метрополитенлар”га асосан, тунеллар “2.05.05-96-қурилиш меъёрлари ва қоидалари. “Темир йўл ва автомобиль йўллари тунеллари”да белгиланган талабларга асосан лойиҳаланади.

### **3) тоифаланган ва алоҳида турдаги объектлар.**

Юқорида қайд этиб ўтилган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлар тоифасига кирмайдиган, давлат бошқарув органларининг ишлаши, ҳарбий тузилмалар фаолиятини амалга ошириш учун хизмат қиладиган бинолар ва давлат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган стратегик объектлар ҳисобланади.

Бу турдаги объектлар қаторига умумюрисдикция судлари, вазирлик ва идораларнинг маъмурий бинолари, чегара ва хавфсизлик идораларининг бошқарув ва маълумотлар базаласи сақланадиган объектларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5717-сон Фармонида мувофиқ 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида унинг асосий кўрсаткичларини ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.



Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-465-сон қарорига асосан 2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланган.

Бундан ташқари, давлат дастурларидаги қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш муносабатлари давлат бошқарувининг у ёки бу соҳасини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ваколатли идоралар томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади.

Вазирликлар ва идоралар ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар тарзидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Шундан келиб чиқиб, давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳаларини тартибга солувчи вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 23 августдаги “Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш методикасини тасдиқлаш ҳамда лойиҳачиларни танлаш бўйича эълонга жойлаштириладиган маълумотлар тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 224-сонли буруқни киритиш мумкин.

Кўриниб турибди, давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, қонунлари, Президентининг ҳужжатлари (қарор, фармон, фармойиш) ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари (қарор, фармойиш, раёсат қарори) ҳамда давлат боқашрув органлари томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар (буйруқ, методика, тавсиялар ва бошқалар)да белгиланган қоидалар ва талаблар асосида тартибга солинади.

*Хулоса*



Давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳалари ижросини муддатида ва сифатли бажарилиши мамлакатни иқтисодий ўсишининг асосий омилларидан бўлган инфратузилма ва муҳандислик-коммуникация жиҳатидан ривожланишни, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишга қартилган объектлар барпо этилишини таъминлайди. Ушбу жараённинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тўғри аниқлаб олиш эса улар ижросини самарали ташкил этишни муҳим шarti ҳисобланажи.

Прокуратуранинг ваколатлари универсал характерга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун соҳасига қўлланилади.

Бу эса, ўз ўрнида соҳанинг назарий ва ҳуқуқий асослари прокурор назоратини тўғри йўлга қўйиш, зарурий назорат усуллари, воситалари ва ёндашувларини танлаб олиш, пировардида эса соҳада қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлишини англатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 206-сон қарори 1-иловаси.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5717-сон Фармони*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-465-сон қарори*



Google  
Scholar



4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги “Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташиқлотлари рейтингини ҳисоблаш ва юришин тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 699-сон қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 23 августдаги “Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташиқлотлари рейтингини ҳисоблаш методикасини тасдиқлаш ҳамда лойиҳачиларни танлаш бўйича эълонга жойлаштириладиган маълумотлар тизимини такомиллаштирини чора-тадбирлари тўғрисида”ги 224-сонли буруғи;

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2016 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 88-сон буйруғи;

7. Ўзбекистон Республикасининг 2.08.02-09; 2.05.01-19; 2.05.02-07; 2.05.03-22; 2.05.04-97; 2.05.05-96-сонли шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.

8. Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008. 48-бет.